# Янги йилингиз қутлуғ бўлсин!

Илм ўзни билмакдир

# Маърифат

MA'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 1997 йил 1 январь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 1 (6797)

*Даъват*

Ўзингиздан олдин келган одамлардан ибрат олинг, кейин келганларга ибрат бўлинг.

«ҲИКМАТ»дан.

*Ибрат*

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Янги йил муносабати билан Жиззах вилоятидаги 29-меҳрибонлик уйига 200 минг сўмлик кийим-кечак ва ҳар хил ширинликлар совға қилди.

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ



Азиз ватандошлар!

Янги йил оқшомида ҳар биримиз йил бўйи қилган ишларимизни сарҳисоб этиб, келгуси режаларни белгилар эканмиз, беихтиёр умр мазмуни, ҳаётнинг маъноси ҳақида ўйлаймиз.

Биз айни лаҳзаларда шу кунларга етиб келолмаган яқинларимизни эслаймиз. Уларнинг руҳини шод этишга ният қиламиз.

Ўтган йил яратганнинг ўзи бизни ёмон кўзлардан, ёвуз кучлардан асради. Юртимизда тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик янада мустаҳкамланди, одамлар ўртасида меҳр-оқибат кучайди. Биз ўзлигимизни, ноёб қадриятларимизни чуқурроқ англадик. Ҳар бир ишимизда маънавият устувор бўлмоқда.

Ҳаётимиздан мустаҳкам жой олаётган эркин иқтисод қоидалари одамларнинг турмуш даражасини кўтариш мақсадида янги имкониятлар, янги-янги манбалар барпо этмоқда. Инсон ўз қобилияти ва салоҳиятини тўла намоён этиши учун замин яратилмоқда.

Ўтган йили миллатимизни жаҳонга танитиш борасида ҳам кўп ишлар қилинди. Дунё бизни танимоқда, биз ҳам дунёни англамоқдамиз ва жаҳон ҳамжамиятидан, башариятнинг ягона оиласидан ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш учун интилмоқдамиз.

Муҳтарам юртдошлар!

Мана шу дақиқаларда барчамиз Янги йил дастурхонлари атрофида тўпланиб, халқимизга хос азалий фазилатларга кўра ўтган умримиздан рози бўлиб, шукр қилиб, айни вақтда эртанги кунга катта умид билан қарашимиз табиийдир.

Бошимиздан кечирган синовлар, катта қийинчиликлар, босиб ўтилаётган тараққиёт босқичлари, шубҳасиз, Янги—1997 йил учун мустаҳкам замин бўлиб, иқтисодиётимизда, саноат, қишлоқ хўжалик ва бошқа тармоқларда, аввал амбор, ҳар бир оила ва умуман жамиятимиз ҳаётида ўз ижобий таъсирини кўрсатиши муқаррар.

Олдимизда турган мақсадларга эришиш, ҳаётимизни янада барқарорлаштириш учун ўтмишимиздан керакли сабоқлар чиқариб, эски иллатлардан жудо бўлиш, бошланган ислоҳотларни изчил давом эттириб, янгиланиш, покланиш йўлида янги, дадил қадамлар қўйиш бизнинг муҳим вазифамиз ва бурчимиз бўлмоғи зарур.

Азиз дўстлар!

1997 йилни мамлакатимизда инсон манфаатлари йили деб эълон қилганимизнинг асосий мақсади, бу биринчи навбатда — дунёда энг ноёб бойлик бўлмиш инсон ҳаётига, шаънига, қадр-қимматига жамият эътиборини қаратиш.

— Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш билан бирга, ҳар бир одам ўзининг бор имкониятларини, ақл-заковатини тўла рўёбга чиқариши учун шарт-шароит барпо этиш,

— Давлат, жамият ёрдамига муҳтож оила ва одамларга етарли кўмак ва мадад бериш. Бундай муносабат орқали уларни ҳаётда адолат борлигига, бобомиз Амир Темурнинг «Куч — адолатда» деган шиорини асос этиб олган давлатимизнинг қудратига ишончини мустаҳкамлаш.

— Оналик ва болаликни муҳофаза қилишдек энг олижаноб бурчимизга эътиборимизни кучайтириш, бунинг учун янги манбалар топиш:

— савобли ишларни давом эттириб, бутун умри ҳалол меҳнатда ўтган нуроний отахонларимизни, мунис онахонларимизни рози қилиш, уларнинг дуоларини олиш бизнинг кундалик бурчимизга айланиши даркор.

Янги йил арафасида ўзимнинг раҳбар сифатидаги, Президент сифатидаги масъулиятимни чуқур англаган ҳолда, Сиз азизларни ишонтириб айтаманки, бу мақсадлар давлатимизнинг ҳар қайси поғонадаги ҳокимият дастурларида марказий ўрин эгаллайди.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун бор имкониятимизни, кучимизни, керак бўлса, жонимизни ҳам аямаймиз.

Ишонаманки, 1997 йил халқимизнинг, давлатимизнинг обрўсига обрў қўшади, озод ва обод ватан қуриш йўлида янги босқич бўлади, иншооллоҳ. Бунга бизнинг салоҳиятимиз ҳам, куч-қудратимиз ҳам етади.

Бу мақсадларга эришиш учун барчамиз сабр-тоқатли, меҳр-оқибатли, аҳил-баҳамжиҳат, шу билан бирга, қатъиятли ва шижоатли бўлишимиз керак.

Қадрли ватандошларим, юртдошларим!

Барчангизга мустаҳкам соғлик, тинчлик-омонлик тилайман. Янги йилингиз муборак бўлсин!

Янги йил ҳар қайси оила ва инсон учун бахт, файз-барака келтирсин!

Барчангизни Яратганимизнинг ўзи паноҳида сақласин!

**Ислом КАРИМОВ.**








*Муҳаррир минбари*

Замон шиддат билан ўзгармоқда. Айниқса, Ўзбекистонимиздаги ўзгаришларни, янгиликларни айтмайсизми? Буларнинг ҳаммаси ахборотлардан иборат. Ахборотни ташийдиган манбалар эса кўп. Радио, телевидение, компьютер тармоғи... Уларнинг сони қанчалик кўпаймасин, қанчалик тезкор бўлмасин, газетанинг аҳамияти йўқолмайди. Ҳа-ҳа, техника ривожланаверади, алоқа воситалари мукаммаллашаверади. Лекин газетанинг ўрнини бошқаси боса олмайди. Буни вақт тасдиқлаяпти.

Биз таъкидлаган вақтнинг яна бир йили тарихда қолди ва яна таъкидлаганимиз газетанинг, хусусан, «Маърифат»нинг зиёлиларимиз учун зарурийлик даражаси сўнмади. Сўнмадигина эмас, балки ошди. Буни обунамиз мисолида яққол кўришимиз мумкин. Мамлакатимиз бўйича у 1997 йилда 44555 нусхага етди. Бу ўтган йилги кўрсаткичдан 60 фоиз кўп дегани, шунингдек, Ўзбекистон газеталари орасида энг кўп обуначисига эга бўлган нашр дегани бу. Бир оз дўконларга чиқаришимизни ҳисобга олсак, 50 минг атрофида бўлади. «Маърифат» энг кўп нусхали газета бўлди.

Обунада Самарқанд вилояти 5510, Наманган вилояти 5228, Қорақалпоғистон Республикаси 4408, Жиззах вилояти 3758, Фарғона вилояти 3679, Тошкент шаҳри 3628, Хоразм вилояти 3581, Сурхондарё вилояти 3101, Андижон вилояти 2551, Қашқадарё вилояти 2459,

## ДОИМ БИРГА БЎЛАЙЛИК, АЗИЗЛАР!

Тошкент вилояти 2282, Бухоро вилояти 2063, Сирдарё вилояти 1230, Навоий вилояти эса 1074 нусхага обуна бўлишганини таъкидлаш жоиз. Бунда ўқитувчилар сонига нисбатан кўп обуна бўлган Наманган, Жиззах, Хоразм вилоятлари, Тошкент шаҳрини алоҳида тилга олишни истардик.

Шу билан бирга Қозоғистон ва Қирғизистонда ҳам обуначиларимиз мавжудлигидан журналистларимиз завқланишди, қувват олишди.

Бу обуна мавсуми яхши ўтганлигидан далолатдир. Албатта, аввало, обуначиларимизга, уни уюштирган мактаб, туман, вилоят, республика миқёсида тузилган обуна штабларининг бошлиқлари, барча аъзоларига самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз. Биз ҳам шу ишончга муносиб бўлиш — газетани янада мазмунли, зарур ахборотга бой чиқаришга ҳаракат қиламиз.

Газетамизнинг йўналиши аниқ. У зиёлиларимиз олдида турган вазифаларга асосланган: мустамлакачилик оқибатида хабарсиз қолганимиз — тарихимизни ўрганиш, шу билан бирга тараққий топган давлатларнинг иш тажрибасини ўрганиш, ўзимизга хос жиҳатларини олиш ва бу икки масала натижаси ўлароқ ривожланган миллий-маърифий жараённи ташкил этиш... Бир жараёнки, бошқа мамлакатлар ҳавас қилса арзигулик! Бунинг учун эса изланиш, шижоат, бардош керак бўлади. Бу савобли ишда баҳамжиҳат бўлайлик!

Биринчи синфдаги болажонларимиз лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ўқимоқдалар. Бу борада, муаллимларимизга зарур манбалар беришни давом эттирамиз. Шу билан бирга барча муштарийларимиз учун «Янги ўзбек алифбосини ўрганамиз» рукнида машғулот бериб боришни мўлжалладик. Айни кунда бу дарсларни мутахассисларимиз таҳририятга олиб келишган, ҳозир нашрга тайёрланяпти. Газетани кузатиб боринг!

Янгича педагогик технологияни тарғиб қилиш, бундай тартибда ишлаётган педагоглар, жамоалар тажрибасини кенг ёйиш ҳам айни кундаги вазифаларимизга киради. Янги ўқув муассасаларидаги ўзига хосликлар, тажрибаю натижалар, муаммолар, уларнинг ечимлари ҳақида баҳоли қудрат ҳикоя қилиш ниятидамиз. Ва энг асосийси, сиз азиз муштарийлар талаб-истакларингиздан ҳам келиб чиққан ҳолда иш юритамиз. Биз билан мулоқотда бўлинг!

Фурсатдан фойдаланиб барча муштарийларимизни Янги — 1997 йил билан қутлаймиз. Юртбошимиз айтганларидек: БУ ЙИЛ ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ БЎЛСИН! Барчангизнинг хонадонингиздан қут-барака аримасин.

Доимо бирга бўлайлик, азизлар!

## ЖУМЛАДА ЖАҲОН

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкентдаги дипломатия корпуси раҳбарлари, халқаро ташкилотларнинг, шунингдек, республикамиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан навбатдаги анъанавий учрашувини ўтказди.

• Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

• Янги йил арафасида «Туркистон» саройида бўлиб ўтган Президент арчаси томошаларида Меҳрибонлик уйлари, турли интернат тарбияланувчилари, кўп болали оилаларнинг фарзандлари қатнашди. Уларга Президент совғалари топширилди.

• Гулистон шаҳрида ҳам бўлиб ўтган Президент арчаси атрофида вилоят шаҳар ва туманларидан келган 200 нафар кам таъминланган оилалар фарзандлари ва Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари қувнашди. Бундай тадбирлар вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида бўлиб ўтди. Болаларга Президентимизнинг уч мингдан ортиқ совғалари улашилди.

• Шунингдек, Самарқанддаги «Афросиёб» меҳмонхонаси ҳам кичкинтойларнинг шодон кулгулари, шўх куй-қўшиқларига тўлди. У ерда ҳам Президент арчаси томошаларида болаларга совғалар топширилди.

• Янги йилнинг биринчи ойи сўнггида Чеченистонда бўлиб ўтадиган сайловларда Чеченистон Президенти лавозимига расман икки номзод — республика раҳбари З. Яндарбиев, дала қўмондони Ш. Басаев рўйхатдан ўтди.

• Молдавиянинг янги сайланган Президенти Пётр Лучинский мамлакатнинг ташқи алоқаларини кенгайтиришга, МДҲ мамлакатлари ҳамда чет давлатлар билан кенг кўламли ҳамкорликни йўлга қўйишга алоҳида эътибор бермоқда.

Камолиддин Раҳимовнинг ташаббуси
2-бет
Хонободда янги хонадон
3-бет
«Маърифат» машъаллари 1997 йил тақвими
4-бет

*Савобнинг умри боқий*

## МУАЛЛИМ МАКТАБ ҚУРДИ

ёхуд ўз маблағидан 180 ўринли мактаб қурган бойсунлик муаллим Рамазон Абдуллаев билан суҳбат

**— Рамазон ака, сиз ўз она қишлоғингиз Гумматакда ўз маблағингиз ҳисобидан мактаб қурибсиз... Бу савобли ташаббус қандай дунёга келиб қолди?**

— Гумматакда Дуғоба қишлоғида жойлашган 17-мактабнинг бошланғич синф ўқувчиларига мўлжалланган филиали бор эди. Тўғриси, бу бино ҳам ўта яроқсиз бир ҳолатга келиб қолганди. Қишлоғимизнинг юз нафарга яқин ўқувчиси, муаллимлари қўшни қишлоққа бориб келиш учун ҳар куни неча чақиримлаб яёв юришарди. Шахсан ўзим ҳам роппа-роса 30 йил ана шу йўлдан қатнаб муаллим, илмий бўлим мудири, директорлик вазифаларини бажардим.

Умр савоб ишлар қилиш учун берилади. Уни шароитнинг ўзи кўрсатади. Мен, хуллас, қишлоғимиз ёшларига мактаб қуриб беришга бел боғлагандим. Бу ишга 1993 йилнинг баҳорида киришган бўлсам, 1996 йилнинг август ойида тугатдик.

**— Рамазон ака, мактабни қуришда Сизга кимлар кўмаклашди? Маблағни қаердан топдингиз?**

— Мактаб қуриш учун керакли барча сарф-харажатлар ўзим ва фарзандларимнинг ҳисобидан бўлди. Аммо қишлоғимизнинг аҳли бу борадаги ташаббусимни қўллаб-қувватлаб, қўлдан келадиган меҳнатларини аямади.

Мен мактаб биноси қуриладиган жойни аниқлаб олгач, биринчи навбатда 17 куб. метр ёғоч сотиб олдим-да, ҳеч иккиланмасдан иш бошлаб юбордим. Қўлимдан устачилик келади.

(Давоми 2 бетда).

## МММ ХАБАРЛАРИ

### ИЖОДКОР БИЛАН УЧРАШУВ

*Чортоқ шаҳридаги иқтидорли болалар лицейида шоир ва таржимон Жуманиёз Жабборов билан учрашув бўлиб ўтди. Унда филология фанлари номзоди Жўрахон Раҳимов ижодкорнинг ҳаёти ва ижодий йўли ҳақида сўзлади. Ўқувчилар шоирнинг шеърларидан ўқишди. Жуманиёз Жабборов ўқувчилар томонидан берилган саволларга жавоб бериб, адабиётимиз олдида турган вазифаларга тўхталди.*

### СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

*Андижон шаҳридаги 2-гимназияда ўқувчиларнинг шифокорлар билан мулоқоти бўлиб ўтди. Бунда шифокорлар тан соғлиги комилликнинг бир мезони эканлигини ўқувчиларга тушунтириб беришди. Соғлом, баркамол бўлиб вояга етишда ўқувчиларга фойдали маслаҳатлар бердилар.*

### МАЪНАВИЯТ — ҚАЛБИМ ҚУЁШИ

*Тошкент молия институтида республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази билан ҳамкорликда «Маънавият — қалбим қуёши» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Анжуман қатнашчилари таълим-тарбия ишларини такомиллаштиришимизда маънавиятнинг юксак аҳамиятини таъкидладилар.*

МУАЛЛИФЛАР: Д. МАДРАҲИМОВА, Ш. КЕЛДИЕВ, А. НАЗАРОВ.

*Сафар таассуротлари*

# «АМЕРИКАДА КЎРГАНЛАРИМИЗ...»

***Билим маскани ҳақида қисқача маълумот: Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманига қарашли 306-лицей. 1991 йилда ташкил этилган. Йўналишлар: техника, иқтисод, экология, банк синфлари. 8, 9, 10, 11-синфлар мавжуд. Ўқиш бир сменалик. Жами синфлар сони 14 та, ўқувчилари қарийб 250 нафар. Ўқитувчи-педагоглар 29 нафар. 17 нафари фан номзоди, қолганлари малакали ўқитувчилар.***

***Мазкур лицей АҚШнинг Коннектикут штатидаги Киллингли Хайскул мактаби билан алоқа ўрнатган.***

***Дарвоқе, мақоламиз шу ҳақда...***

Америка... Унинг кашф этилишининг ўзиёқ оламшумул гап бўлган эди. Мана, икки юз йилдирки, у жаҳондаги энг ривожланган давлатлардан бири сифатида кўпчиликни ҳайратга солиб келади. Сирли, жозибадор, эркин бир дунё. У ерга бориб келиш кимлар учун орзуга айланмаган?

Юқорида тавсифини келтирган 306-лицейнинг 3 нафар ўқувчиси ва раҳбари Қутбиниса Икромовага бу йил Америкага саёҳат насиб этди.

Қуруқ гап қулоққа ёқмас, лицей директори Қутбиниса Икромованинг таассуротларини оқизмай-томизмай саҳифага туширдик. Мана, унинг ҳикояси:

— Америка, албатта, гўзал бир диёр. Американиклар ҳақида билгимиз, кўргимиз келади.

Коннектикут штатидаги Киллингли мактабига боришдан мақсадимиз тил ўрганиш технологиясини янада кенгроқ жорий қилишдан иборат эди. У ерга уч нафар ўқувчимиз борган бўлса, улар уч ҳафта ичида инглизчада бемалол гаплашиш имконига эга бўлишди. Мақсадимиз тажриба алмашишдан ҳам иборат бўлди. Улардаги умумий таълим тизимини ўрганиб шунга амин бўлдимки, АҚШ мактабларида ўқувчилар ҳаддан ташқари эркин. Кийиниш ҳам ихтиёрий, ўқувчиларга бир хил форма жорий қилинмаган. Ўқувчи қайси фанга қизиқса, ўшани танлайди ва дарсга қатнашади. Яъни у ўзига кераксиз деб билган фан учун бош қотирмайди, вақтини йўқотмайди. Биз борган Киллингли Хайскул мактабида 900 нафар ўқувчи ўқир экан. Умумий таълим 12 йиллик. Албатта, мен ўз ўқувчиларим билан уларникини солиштирганимда, техникани, яъни компьютерни бошқариш бўйича американиклар устун. Лекин билим, тасаввур бўйича бизнинг ўқувчиларимиз ҳам чакки эмас.

Киллингли Хайскул мактабининг дарсларида иштирок этдик. Биз уларга ўз юртимиз, унинг тарихи, бугуни ва келажаги ҳақида гапириб бердик. Улар Ўзбекистон ҳақида умуман билишмас экан. Бизнинг ўқувчиларимизнинг ўз она тилларидан ташқари рус ва инглизчада сўзлаша олишлари уларни ҳайратга солди. Ва улар биз билан ҳамкорлик қилишга бажонидил рози бўлишди. Насиб этса, американиклар март ёки апрель ойида лицейимизга ташриф буюришади.

Лицейимизда электрон почта мавжуд. Биз у орқали Коннектикут штатидаги инглиз дўстларимиз билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатишимиз мумкин. Куни кеча улар бизга янги йил табригини йўллашди.

Албатта, таассуротларим ниҳоятда кўп. Америка ҳақида эшитиш бошқа, кўриш бошқа. Бу мамлакатни кўриш, ҳеч бўлмаганда, унинг кичик бир штатига сафар қилиш, иқтидорли, истеъдодли фарзандларимизга насиб этишини тилайман.

Қутбиниса Усмонова мутахассислиги бўйича инглиз тили ўқитувчиси. Инглизчада бемалол гаплаша олади.

У бизга бир газетани кўрсатди. Унда уларнинг Коннектикут штатига қилган саёҳатлари тўғрисида ёзилган. Суратлари ҳам бор. Директорнинг таъкидлашига қараганда, уларни Америка телевидениесида ҳам кўрсатишган.

**Маҳмуджон МАҲАММАДСАИДОВ — 8-синф ўқувчиси:**

— Уларда ҳам биздаги каби чет тили ўргатишар экан. Чет тили испан тили ҳисобланади. Фотография алоҳида дарс бўлиб, бунга ҳам қизиққанлар қатнашиши мумкин. Иқтисод фани чуқур ўргатиларкан. Ўз мамлакатининг иқтисоди бўйича ҳар томонлама мукаммал билим олмаган ўқувчи бўлмаса керак.

Хайзе Ло оиласида яшадик. Бу оилада 3 қиз, отаси, онаси, бувиси бўлиб, ўзига тўқ. Менга американикларнинг энг маъқул келган томони шу бўлдики, болалар спортни жон-диллари билан севишади. Бейсбол, гимнастика, Америка футболи болалар ўртасида жуда яхши йўлга қўйилган. Спорт майдонларига ҳавасингиз келади, саранжом-саришта, тозаликка ҳам эътибор кучли.

Ўсмирларнинг ишлаб пул топиши таъқиқланмаган. Болалар бу пулни ўзлари учун кийим-кечак, ўқув қуроллари, музика асбоблари сотиб олишга сарфлашлари мумкин.

* * *

Маҳмуджон билан АҚШга бориб қайтган Фарруҳ Ҳакимов, Мирвоҳид Азимовларнинг ҳикояси ҳам ҳаяжонли, ҳавас туйғусига йўғрилган. Улар Вашингтонда, Оқ уйда бўлганликларини шунчалик мамнуният билан сўзлаб беришдики, тўғриси, буюк бир мамлакатда бўлиб қайтганликлари учун ҳавасимиз келди. Бошқа нима ҳам дейиш мумкин?

* * *

Қистириб ўтишни унутибмиз. Лицейнинг 11-синф ўқувчиси Акбаржон ва Аъзамжон Умаровлар учун ҳам 1996 йил қутлуғ, эсда қоларлик йил бўлди. Улар Лондоннинг Вестгейт (ўзбекчада ғарбий дарвоза) қисмидаги «Лондон хауст» мактаби ҳаётини ўрганиб қайтдилар.

Акбардан фикр олиш қийинроқ бўлди. Бу унинг феъл-атвори билан боғлиқ, албатта. Гап бунда эмас, унинг ривожланган давлатлардан бирини холис киши сифатида кўриб қайтганлиги, албатта, юртимиз учун бир шаъндир.

* * *

Бу лицейдан чиқар эканмиз, қисқа, лўнда таассуротлар гўёки бизни ҳар томондан чирмаб олгандек эди. Чиндан ҳам бундай саёҳатлар барчага насиб этиши қийин. Бунинг учун янгиликка ўч бўлишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Орзу ҳам етарли эмас. Бўлмаса, нима?

Буни директор Қутбиниса Икромова шундай шарҳлайди:

— Таълимнинг жаҳон андозаларига секин-асталик билан яқинлашяпмиз. Мен ҳар доим янгилик излайман, бир хиллик, тўғриси жонга теккан. Таълимда янгилик бўлса, ўқитувчилар ҳам қизиқиш билан ишлайдилар. Лицейимизда синов дафтарчалари ташкил қилинган. Қишки ва ёзги синов-имтиҳонлари топширилади. Баҳолаш эса тест синови орқали.

Лицей раҳбарининг мақтанганича бор. Ишлашни хоҳлаган имкон ахтаради, хоҳламаган эса баҳона. Бари-бариси янгиликка ўчлик, имкон ахтариш билан боғлиқ.

Таълим даргоҳи гўёки гулзор. Кираверишда хитойча атиргуллар барқ уриб ўсиб ётибди. Бу ҳам бир уринишнинг натижаси...

«Ҳаракатда баракат» деганлари шумикан?..

**Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,**
**«Маърифат»нинг махсус мухбири.**

ИНТЕРНЕТ INTERNET

## АХБОРОТ ТАШВИШИ

Рейтер агентлиги дунёдаги бир ярим минг ишбилармон орасида ўзига хос тадқиқот ўтказди. Бизнесменларнинг деярли барчаси кераксиз ва эскирган ахборотларга кўмилиб кетганликлари, зарур кўрсаткичларни қидириб топиш уларни беҳад толиқтиришидан шикоят қилганлар.

## ЗАМОНАВИЙ ТОБЛАШ

**Нейтрон реакциялари сабабли реакторларнинг пўлат деворлари емирила бориши натижасида АҚШда бир неча АЭС муддатидан олдин тўхтатилди. «Куперхарт» компаниясининг инженерлари таклиф этган лойиҳа — пўлатни кучли газ алангасида toблаш орқали «Марбл-хилл» станциясини қайтадан ишга тушириш имконияти пайдо бўлди.**

## ИШОРАГА ҚАРАНГ

Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, одамлар ахборотнинг етти фоизини сўзлар, қолганини эса юз, товуш, қўл ишоралари ёрдамида билдирар эканлар. Луғат бойлигимиздан ҳам кўп бўлган бу ишоралар ҳозирда миллиондан ҳам ортиқроқ чиқди. Бундай мўл-кўллик психологларга феъл-атворни ўрганишда жуда қўл келаркан.

*Президент стипендияси соҳиблари*

# ШАВКАТНИНГ ШАВКАТИ

***Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети физика факультети физикавий электроника бўлимининг 5-курс талабаси Шавкат Низомов Ўзбекистон Республикаси Президентининг физика, математика, химия ва биология фанлари соҳасидаги стипендияси совриндори бўлди.***

Шавкат ҳозир 20 ёшда. 5 ёшлигида Самарқанд шаҳридаги 1-сон мактабга борган. Ўзининг ўта қобилиятлиги билан ажралиб турган. Шавкат юқори синфларда ўқиб юрган кезлари туман, вилоят ва республика олимпиадаларида муваффақиятли қатнашиб, ажойиб кунларнинг бирида инглиз ва информатика фанлари бўйича республика олимпиадаси ғолиби бўлди. Ҳеч кимга сир эмаски, шу мутахассисликлар бўйича исталган олий ўқув юртига имтиҳонсиз ўқишга кириши мумкин эди, аммо Шавкат физикавий электроника мутахассислигини танлади. У талабалик чоғлари ҳам турли мусобақаларда физика факультети шарафини муваффақиятли ҳимоя қилди. Мана, ниҳоят бугун янги катта ғалабани қўлга киритиб, ўзига ва устозларига шуҳрат келтирди.

Дарвоқе, Низомовлар оиласида йўлга қўйилган тарбия ҳам кўпчилик ўрнак олса арзийдиган тажриба мактаби бўла олади. Отаси профессор Неъмат Низомов таниқли олим, онаси Моҳира Асадова немис тили ўқитувчиси, уларнинг тўрттала фарзанди ҳам компьютерда бемалол ишлайди, инглиз тилида эркин сўзлаша оладилар. Шавкатнинг укаси Анваржон Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг учинчи курс талабаси, у француз тилида равон сўзлашади. Акаси Акобир Низомов эса СамДУнинг химия факультетини имтиёзли диплом билан тугатиб, айни чоғда ички ишларда эксперт-криминалист, опаси Нигора СамДУнинг амалий математика факультетини «аъло» баҳолар билан тугатиб, ҳозирда лицейда ўқитувчи бўлиб ишлайдилар. Мана Шавкатнинг ўзи электроника соҳасида инженер бўлмоқчи.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг махсус қўмитаси имтиҳонлар натижалари ва 28 нафар даъвогарларнинг илмий ишларини муҳокама этгач, совриндорларни овоз бериш йўли билан аниқлаганлар. Кўриниб турибдики, Шавкат Президент стеипендиясига тасодифан эга бўлиб қолмаган. Ҳа, айтганча унинг компьютер техникасини янада мукаммаллаштиришга оид илмий тадқиқоти республика Ёшлар иттифоқининг фахрий ёрлиғи билан ҳам тақдирланган эди.

Ўз номи, оиласи, ўқиган мактаби ва физика факультетига шон-шуҳрат келтирган бу йигит ҳар қанча мақтовга лойиқ. Аммо Шавкат муваффақиятлардан мағрурланиб кетмаслигига аминман. Чунки у меҳнатсевар, камтар йигит. Ҳали олдинда йирик синовлар, баланд довонлар турганини яхши тушунади. Оқ йўл сенга, Шавкатжон!

**Бобоқул ЖЎРАЕВ,**
**СамДУ физика факультети квант электроника кафедраси доценти.**

# ЭНГ ЯХШИ ИШ

Донолар айтадики:

**Бир ғариб кўнглини қила олсанг шод,**
**Яхшидир юз дилни қилгандан обод.**

Алқисса, яхшилик қилмоқдан, инсонлар кўнглини овламоқдан ҳам беҳроқ, биссавоб иш бормикан дунёда. Айниқса, ўзининг хушнуд кунларида ўзгаларни йўқламоқ, ўзгаларга эзгулик улашмоқ халқимизнинг хос одатларидан биридир.

Чирчиқ шаҳридаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг ҳам янги йил бўсағасида кўнгиллари беҳад ўсди — улар Президентимизнинг, шунингдек, Халқ таълими вазирлигининг самимий совғаларини қабул қилиб олишди. Совғаларни топшириш маросимида республика Халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо Султонов, Халқ таълими вазирлиги Таълим-таъминот бош бошқармаси бошлиғи Баҳодир Ҳамидов, Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи О. Тожиев, Чирчиқ шаҳар ҳокими Дониёр Азизхўжаев ва бошқа кишилар иштирок этишди.

«Яхшилик қил, дарёга ташла — балиқ билар, балиқ билмаса Холиқ билар» дейишади. Бу хабардан Сизни огоҳ этажак бир нарсага тўхталмоқчи эдик, холос: Сиз Янги йилни қандай яхшиликлар билан бошламоқчисиз?

**И. БЎРИБОЕВ.**

# САВОДХОНЛИК БАЙРАМИ

Яқинда пойтахтимизнинг Ҳамза туманида жойлашган Огаҳий номидаги 216-мактабда 1-синфларнинг лотин ёзувини ўзлаштиришларига бағишланган саводхонлик байрами ўтказилди. Қарийб 15 йилдан буён болажонларга алифбодан сабоқ бериб келаётган жонкуяр мураббия Шоҳида Норматова учун бу кун унутилмас кун бўлиб қолди. Жажжиларнинг бийрон-бийрон чиқишлари ҳамма-ҳаммада ўзгача руҳ уйғотди.

Тадбирга ташриф буюрган ота-оналар, жамоат ташкилотлари вакиллари ва мухбирлар, шунингдек, меҳмонлар болакайларни савод байрами билан чин қалбдан муборакбод этдилар.

Саводхонлик байрамини ташкиллаштиришда мактаб директори Муқаддас Ҳасанова ва мактабнинг ўқув ишлари бўйича илмий бўлими мудири Мавжуда Воҳидованинг хизматлари катта бўлди.

**Сайёра ШОДИЕВА.**

Укпар булутларга тўш уриб учаётган ҳув анаву бургут сенмасми, болажон? Мен уни сенга ўхшаттим келди. Ҳозиргина йиғлаб турган булутлар ортидан заррин зулфини ёйиб чиқаётган анави қуёш сенинг бахтинг эмасми, болажон? Мен уни сенинг толеингта ўхшатгим келди. Ҳа, ҳа ўша бургут сенсан, ўша қуёш эса сенинг бахтинг! Бугун сен сарлочиндек озодсан, ҳурсан! Бугун сенинг осмонинг мусаффо, сен хоҳлаганча парвоз этасан. Сен энди кечагидек Ватанда ватансиз эмассан. Сенинг озод Ватанинг бор!

Оқ қоғоз юзига тўкилаётган бу эҳтирослар, шунчаки чиройли тўн кийгизилган шоирона муболағалардан йироқ. Биз Шайхонтоҳур туманидаги 262-ўрта мактабда кеча эрталабдан бошланган



# ҚЎШ БАЙРАМ ЧИЗГИСИ

байрам томошаси давомида шу илиқ туйғуларни туйдик.

Дарҳақиқат, мазкур зиё масканида бир йўла қўшалоқ байрам бўлиб ўтди. Дастлаб «Алифбе» байрами билан бошланган ўйин- кулгулар янги йил базмига уланиб кетди. Эндигина мактабга қадам қўйган болажонларнинг Ватан, миллат, янги йил ҳақида ўқиган шеърлари, куйлаган қўшиқларини тингласангиз, кўнгилда айрича ифтихор ғалаён қилади.

— Бугун мактабимизда қўшалоқ байрам. Мана, «Алифбе» байрамини кузатдингиз. Янги йил завқ-шавқлари эса кўриб турганингиздек давом этаяпти. Тўғрисини айтсам мен бугун жуда ҳаяжондаман. Дилимдагини тилимга чиқаришга ҳаяжонларим монелик қилаяпти, — деди биз билан суҳбатда мактаб директори Фаина Усемнова.

Мен суҳбат жараёнида мактабнинг ташкилотчи ўқитувчиларидан бири Дилфуза Баратовадан эришилган натижалар, янги йил орзулари, ўқув жараёнидаги режалари хусусида сўрадим.

— Биласизми, бугун мозийга кузатаётган йилимиз бизга кўплаб ютуқлар тухфа этиб кетди. Аввало, шу йилда болаларимиз маънавиятида миллатга, Ватанга бўлган муносабатни ижобий шакллантира олдик, дея оламан. Негаки, йил давомида шарқона ахлоқни, миллий руҳни болалар онгига сингдириш учун кўплаб машғулотлар, қизиқарли мусобақалар уюштириб турдик. Яна бир ютуғимиз шуки, фанлар бўйича туман олимпиадасида анча-мунча ўқувчиларимиз биринчи ўринни эгаллаб иккинчи босқичга йўлланма олишди.

Бугун мактабимизда 1800 дан ортиқ болалар билим олишяпти. Менинг Янги йилдаги биринчи орзуим, аввало, болаларимиз соғ-омон бўлишсин!

Залга Қорбобо кириб келди. Воажаб, залдаги болаларнинг эндиги қувончини қалам чизиб беролмайди. Қизиқ ҳар бир байрамнинг рамзий маъносини ифода этувчи нимадир бор. Янги йилнинг рамзи — Қорбобо. Янги йилда Қорбобони нафақат болалар, ҳаттоки катталар ҳам беихтиёр кутишади. Илоҳим бу йилги кутаётган Қорбобомизнинг совға тўла қоплари бахтга, иймон-эътиқодга лиммо-лим бўлсин!

Мухтасар гап. Мактабдаги шодиёна кечадан қайтар эканмиз, бу масканда бугун хизмат қилаётган Феруза Қобилова, Сайёра Арестонбоева, Маҳфуза Абдукаримова, Вероника Краснова каби ўнлаб зиёлиларнинг ёшларни тарбиялашдаги фидойиликлари бизни беҳад қувонтирди.

**Алишер НАЗАРОВ.**

*Яйраб-қувнаб куйлаймиз*

# Мўъжизакор калит

— Салом, азиз болалар! Салом, азиз меҳмонлар! Салом, азиз арчажон! Ясанибсан сен бирам, — дея Қорқиз залга кириб келди.

— Хуш келибсан, Қорқиз, даврамизга марҳабо! Биз сени интизорлик билан кутаётган эдик, деди давра етакчиси.

— Раҳмат. Сизларни Янги йил билан табриклагани келдим, — деди Қорқиз. Болалар, биласизларми, қўлимдаги нима?

— Калит, — дейишди болалар.

— Ҳа, бу калит. Лекин оддий калитлардан эмас, сеҳрли сандиқнинг калити. Буни менга бобом берганлар. Сеҳрли сандиқни бобом ўзлари олиб келадилар. Сандиқнинг ичида эса сизлар учун жуда кўп совғалар бор.

— Қандай совғалар? — сўрашди қизиқиб болалар.

— Бу сир, айтмайман. Бобом келганларидан сўнг ўзингиз билиб оласизлар, — деди Қорқиз.

Бир оздан сўнг эркатойларнинг севимли қаҳрамони Қорбобо қувноқлар даврасига ташриф буюриб, жажжи болаларни ва байрамга йиғилган меҳмонларни янги — 1997 йил билан қутлади.

Қорбобо ширинтой болажонлар билан жонажон арча атрофида рақсга тушиб, қўшиқ куйлади. Шунингдек, у сеҳрли калит билан сандиқчани очиб тез айтиш, ким чаққон ўйинларида фаол қатнашган ҳамда топишмоқларга тўғри ва тез жавоб берган жажжиларга Янги йил совғаларидан улашди.

Ҳа, пойтахтнинг Акмал Икромов туманидаги 393-ясли-боғчада Янги йил эрталиги кичкинтойлар учун ғоят қизиқарли ва мазмунли ўтди.

Эрталикка биз шеърлар ҳамда саҳна кўринишларини эркин ҳолда танладик, — дейди катта гуруҳ тарбиячиси Муяссар Маҳмудова. — Авваллари дастурдан четга чиқолмас эдик, «Сеҳрли фонарча», «Машанинг саргузаштлари» эртакларидан фойдаланардик холос. Энди эса «Адолат» эртаги асосида саҳна кўринишини тайёрладик. Ўйин ва мусиқа танлашда миллийликка алоҳида аҳамият берилди. Бу ўринда мусиқа раҳбари Шаҳло Аҳмедованинг ҳам муносиб хизматларини таъкидлаш жоиздир.

Шодиёна ўтаётган зал байрамона безатилган. Деворларда ажойиб эртак қаҳрамонлари — тулки, қуён, айиқполвон, типратикан, Қорбобо ва Қорқизлар акс эттирилган. Теварак-атрофда мураббийлар ёрдамида кичкинтойлар қўли билан ясалган турли шакллардаги гуллар, қоғоздан ясалган ўйинчоқлар. Ўртада эса Янги йил элчиси — яшил арча.

Залга кираверишда «Моҳир қўллар» кўргазмаси намойиш қилинган. Унда миллийликка катта эътибор берилган. Шинамгина шийпон устидаги ишкомда узум пишиб ётгани тасвирланган. Шийпоннинг тўрт томонига бежирим қилиб кўрпачалар тўшалган, суяниб ўтириш учун ёстиқчалар қўйилган. Ўртасида хонтахта, устида дастурхон, юқорида эса қути. Унинг устига кўрпачалар йиғиб қўйилган. Бекасам тўн, қийиқча, дўппи, миллий тикилган атлас кўйлак-лозим, бешик асбоблари, турли хил юмшоқ ўйинчоқлар муносиб ўрин олган. Сервис — папи-маши (картондан ясалган, гул солиб, лакланган) пахтага юмалоқ шакл берилиб, устини бинт билан ўраб лак суртилган қандолат маҳсулотлари, халқ амалий санъати турлари — кулолчилик асосида ясалган ўйинчоқлар кўргазмадан муносиб ўрин олган...

Қувноқлар масканида ўтказилган Янги йил эрталиги унда иштирок этган Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти курс тингловчилари — пойтахт болалар боғчалари мудираларида ҳам катта таассурот қолдирди.

**Дилбар ХЎЖАЕВА.**

# МУАЛЛИМ МАКТАБ ҚУРДИ

**(Боши 1-бетда).**

Ўғилларим Бахтиёр, Олимжон, Абдували, Улуғбеклар ёнимга киришди. Қишлоғимиз муаллимларидан Э. Эшмирзаев, Х. Бегматов, Х. Норбўтаевлар мактаб биносини тиклашда узлуксиз кўмаклашишди. Кетма-кет ҳашарлар уюштирдик. Ҳашар ташвишларию нону ошда турмуш ўртоғим Н. Назарова ва келинларим Турдигул ҳамда Қундузойлар елиб-югуриб хизмат қилишди.

Мактаб деворини асосан «чўпкори» усулда, ёғочдан тикладик. Мактаб девори тиклангач, устини ёпиш учун ёғоч керак бўлиб қолди. Оила аъзоларимиз билан келишиб, ҳовлимиздаги мавжуд 30 та теракнинг ҳаммасини кесиб, ундан «токли арра»да тахта тилдик. Тайёрланган тахта қурилишимизга етди. Ҳатто мактаб хоналари учун ундан эшикром ҳам ясадик...

Жамғарган пулларимизни қизғонмадик, етмаганига мол-ҳол сотиб шифр, тунука, мих, бўёқ ҳамма-ҳаммасини сотиб олдик.

Хуллас, «бир амаллаб» шу йил ўқув йили олдида 180 ўринли мактабимизни тахтлаб, фойдаланишга топширдик.

Бойсун тумани ҳокимлигининг қарори билан янги мактабимизга «53-таянч мактаби» деб ном берилди. Янги мактабнинг янги жамоаси ҳоҳишига, таклифига кўра директор бўлиб ишлаяпман...

**— Рамазон ака, хайр-саховатни пул билан ўлчаш миллатимиз урф-одатларига мос келмайди. Бироқ, ҳамма жойда ҳам ҳисоб-китоб бор-да. Хуллас, мактабни қуришга киришганингиздан охирига қадар қанча маблағ сарфладингиз?**

— Рости, мен мактаб қуриш учун сарфлаган харажатларимни аниқ ҳисоблаганим йўқ. Иккинчи томондан усталиликни тўлиқ ўзимиз қилдик. Бировга пул ҳам бермаганмиз. Ҳали айтганимдай, 30 та теракни ҳам ҳовлимиздан кесдик, бунгаям пул сарфлаган эмасмиз.

**— Рамазон ака, ҳеч бўлмаса, «сал-пал хатоликлар билан тахминий ҳисоб-китоб чиқариш» мумкинку?..**

— Бунисини ҳам билмайман. Аммо шуни биламанки, ҳаммаси бўлиб 24 (йигирма тўрт) марта катта ҳашар қилдик. Ҳар бир ҳашарда битта қўзими, улоқми сўйганман...

**— Рамазон ака, жуда катта савоб ишни амалга оширибсиз. Энди «икки оғиз» келгуси ниятларингиз ҳақида гапирсангиз.**

— Юртбошимиз Ислом Каримов яқинда Наманган вилоятида бўлганларида, мурувватли одамларни мактаблар қуришга ундаб, айнан менинг дилимдаги гапни айтдилар. Худди бу гаплар менинг шаънимга айтилгандек бўлди. Жуда хурсанд бўлдим.

Эндиги ниятим ўқувчиларимга спорт зали қуриб бериш. Худо хоҳласа, бу ишни ҳам бошлаш арафасида турибман.

**Суҳбатни «Маърифат»нинг махсус мухбири Абдували ОБИДДИНОВ ёзиб олди.**

***ТАҲРИРИЯТДАН: Яхшидан боғ қолади, айни пайтда мактаб ҳам. Умуман, савоб ишнинг умри боқийдир. Одамларга яхшилик қилиш учун инсоний хислатларнинг ўзи камлик қилади. Ҳотамтойлик ҳам керак. Бойсунлик муаллим Рамазон Абдуллаев ҳам ана шундай мард, танти инсонлардан.***

***Рамазон ака, яхшилигингиз каби умрингиз ҳам боқий бўлсин!***

*Фармон ва ижро*

# КАМОЛИДДИН РАҲИМОВНИНГ ТАШАББУСИ

Мақоламиз Сиз билган лирик хонанда ҳақида эмас, балки унинг адашларидан бири хусусида. У — наманганлик, Чортоқ шаҳридаги 9-ўрта мактаб немис тили ўқитувчиси. Камолиддин Раҳимов қандай ташаббус кўрсатибди экан, дея ҳайрон бўлаяпсиз, шундайми? Аслида оламшумул ҳеч қандай гап йўқ. Оддийгина қилиб, унинг саъй-ҳаракатларини маънавиятга интилиш, деса ҳам бўлади. Лекин ана шунинг ўзи замонага мос гапдир. Чунки маънавият ҳозирда давлатимизнинг бош сиёсати бўлиб қолди.

Президентимиз И. Каримовнинг 1996 йилни Амир Темур йили деб эълон қилгани, йилимизнинг мазмун ва салмоғи жиҳатидан Амир Темур номига муносиб бўлганини алоҳида таъкидламоқ жоиздир. Соҳибқирон бобомиз давлатни бошқариш сиёсатида маънавиятни ялов қилиб, беш таянчдан бири сифатида қайд этган эди.

Камолиддин Раҳимов ишлайдиган мактабда бўлдим. Бу ер Чортоқдаги таянч даргоҳлардан бири экан. Бу муаллимнинг ташаббуси билан мактабда «Маънавият ва маърифат хонаси» ташкил қилинибди. Эътибор бераяпсизми, маънавият ва маърифат хонаси! Бир-биридан айрича талқин этиб бўлмайдиган бу тушунчаларнинг ҳаётдаги исботи сифатида ташкил этилган хонада нималар бор экан, дерсиз.

Хона мўъжазгина. Ёзувлар, шиорлар, суратлар диққатингизни тортади. «Маънавият» деб номланган чоғроққина кутубхонада турфа хил ақл дурдоналари.

— Бу йил «Маънавият ва маърифат» маркази жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» қабул қилинган фармондан жуда руҳландим. Мактаб — маънавиятнинг, маърифатнинг абадий ўчоғи-ку ахир. Таклифимни мактабимиз директори Носиржон Эргашевга айтганимда, у маъқуллади. Мана, кўриб турганингиз — хонадаги кўргазма жиҳозлар елиб-югуришларимиз мевасидир. Бундай хоналарни ҳар бир синфда ҳам ташкил этиш керак, деб ўйлайман.

Камолиддин Раҳимовнинг таъкидлашича, мактабда маънавият ва маърифат хонасининг ташкил этилиши дастлаб ўқувчиларга ғалатироқ туюлибди. Чунки улар физика хонаси, химия хонаси деган атамаларга обдон ўрганиб қолишган-да. Ўқувчиларга янги хонани ташкил этишдан кўзланган мақсад тушунтирилгандан сўнг, қандайки, баҳс-мунозара, савол-жавоб, учрашув уюштириладиган бўлса, улар бу ерга, албатта, келадиган бўлиб қолишган.

Мақоламизнинг бош қисмида мўъжазгина кутубхона ҳақида гапирган эдик. Кутубхона сиз билан бизнинг тасаввуримиздагидай кўплаб китоб жавонларига эга эмас. Унга Президентимизнинг кейинги йилларда нашр этилган асарлари ҳамда республикамизда чиқариладиган ойлик, кундалик вақтли матбуот нашрларининг тахламлари қўйилган. Булардан ўқувчилар ҳам, ўқитувчилар ҳам фойдаланишаркан.

Мактаб раҳбари Носир Эргашевнинг айтишига қараганда, ҳар бир ўқитувчи ва ўқувчи «Маънавият ва маърифат» дафтарига эга. Бу дафтар улар учун ҳаёт кўзгуси. Кўрган, билган, эшитган воқеа-ҳодисаларга муносабат билдириб, ниманидир қайд этиб қўйишар экан.

— Бу вақтинчалик тадбир эмасмикан ишқилиб? — сўрайман мактаб директоридан.

— Йўқ, Камолиддин Раҳимов бошлаган ташаббус ҳеч қачон вақтинчалик бўлмайди ва ора йўлда ҳам қолмайди. Бу иш давом этади... Чунки у ўқитувчиларга ҳам, ўқувчиларга ҳам наф беряпти.

Американик футуролог олимларнинг тадқиқотлари шундан далолат берадики, келгуси асрда юз бериши мумкин бўлган ўзгаришлар ичида энг диққатга сазовори маънавиятни юксалтириш ҳисобланади. Уларнинг фикрича, инсоният маънавият сари дадил қадамлар ташлайди. Кишининг моддий бойликларга бўлган қизиқиши ўрнини маънавиятга интилиш ҳисси эгаллайди.

Камолиддин Раҳимов каби фидойи замондошларимиз бор экан, маънавиятнинг келажак сари ташлаётган қадамлари дадил бўлаверади.

**Ҳ. ОЛИМОВА.**

### ЯНВАРЬ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| С | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Ч | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| П | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Ж | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| Ш | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Я | **5** | **12** | **19** | **26** | |

### ФЕВРАЛЬ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 3 | 10 | 17 | 24 |
| С | | 4 | 11 | 18 | 25 |
| Ч | | 5 | 12 | 19 | 26 |
| П | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| Ж | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Ш | 1 | 8 | 15 | 22 | |
| Я | **2** | **9** | **16** | **23** | |

### МАРТ

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| С | | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Ч | | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| П | | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| Ж | | 7 | 14 | 21 | 28 | |
| Ш | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 | |
| Я | **2** | **9** | **16** | **23** | **30** | |

### АПРЕЛЬ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| С | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Ч | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| П | 3 | 10 | 17 | 24 | |
| Ж | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Ш | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Я | **6** | **13** | **20** | **27** | |

### МАЙ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 5 | 12 | 19 | 26 |
| С | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| Ч | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| П | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Ж | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Ш | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| Я | **4** | **11** | **18** | **25** | |

### ИЮНЬ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| С | 3 | 10 | 17 | 24 | |
| Ч | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| П | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Ж | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| Ш | 7 | 14 | 21 | 28 | |
| Я | **1** | **8** | **15** | **22** | **29** |

## 1996 ЙИЛ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ» ФАХРИЙ УНВОНИГА САЗОВОР БЎЛГАН ПЕДАГОГЛАРИМИЗ

Саломат АБДУРАҲМОНОВА — Қашқадарё вилояти, Чироқчи туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси.





Муножат АКБАРОВА — Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги 18-ўрта мактаб директори.

Мақсуда ОЛТИНОВА — Навоий шаҳридаги 4-гимназия-мактаби ўқитувчиси.





Хайрулла ИНОҒОМОВ — Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 16-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Саид МАМАРАСУЛОВ — Жиззах шаҳридаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси.





Ҳабибулло МАТЁҚУБОВ — Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги 1-иқтидорли болалар лицей-интернати директори.

Юсуф НЕЪМАТОВ — Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 243-ўрта мактаб ўқитувчиси.



*Илму маърифатда, маънавиятда жаҳонга машҳур бўлган шарқона мактабимиз бор. Ана шу улкан дарсхона анъаналарини жаҳон андозалари билан бойитиб, уни такомиллаштириб, ёш авлод онгига сингдириб борсангиз, улардан руҳий ва жисмоний соғлом авлод етиштирсангиз ҳақиқий ватанпарварлик бурчингизни адо этган бўласиз.*

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

# «МА'РИФАТ» машъаллари 1997 йил тақвими

*Ёш авлодни буюк анъаналаримизга, юксак маънавий қадриятларимизга содиқлик ва порлоқ келажак эгалари эканликларига қатъий ишонч руҳида тарбиялаш мақсадида 1997 йилдан бошлаб 1 октябрь «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» деб эълон қилинсин ҳамда дам олиш куни ҳисоблансин.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонидан.

Саҳифани тайёрлашимизда яқиндан ёрдам берган Ўзбекистон халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош САИДЖОНОВга, ходимлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Фарид КУЧУКБОЕВга самимий миннатдорчилик билдирамиз.



Айтжон НУРУМОВА — Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги 12-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Ҳикоят РАҲМОНҚУЛОВА — Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги 25-ўрта мактаб ўқитувчиси.





Бувсара УМИРОВА — Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги 15-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Мунаввара ФАЙЗИЕВА — Бухоро вилояти Вобкент туманидаги 16-ўрта мактаб ўқитувчиси.





Флора ҲАФИЗОВА — Наманган вилояти Чуст шаҳридаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Фазли ШАМСИЕВ — Сурхондарё вилояти Музработ туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси.





Азиза ЎРИНБОЕВА — Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги 13-ўрта мактаб ўқитувчиси.

### ИЮЛЬ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| С | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Ч | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| П | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| Ж | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Ш | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Я | **6** | **13** | **20** | **27** | |

### АВГУСТ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 4 | 11 | 18 | 25 |
| С | | 5 | 12 | 19 | 26 |
| Ч | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| П | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Ж | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Ш | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Я | **3** | **10** | **17** | **24** | **31** |

### СЕНТЯБРЬ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| С | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Ч | 3 | 10 | 17 | 24 | |
| П | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Ж | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Ш | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| Я | **7** | **14** | **21** | **28** | |

### ОКТЯБРЬ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| С | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Ч | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| П | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Ж | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| Ш | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Я | **5** | **12** | **19** | **26** | |

### НОЯБРЬ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 3 | 10 | 17 | 24 |
| С | | 4 | 11 | 18 | 25 |
| Ч | | 5 | 12 | 19 | 26 |
| П | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| Ж | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Ш | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Я | **2** | **9** | **16** | **23** | **30** |

### ДЕКАБРЬ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| С | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Ч | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| П | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Ж | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Ш | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| Я | **7** | **14** | **21** | **28** | |

Ма'рифат
*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Руйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар булими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Улуғбек ОДИЛОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-022.Тиражи 46.000. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6